



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ЎзХДП ташаббуси билан

Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

уларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗ ШУҲРАТИГА ШУҲРАТ ҚўШАЁТГАН, ХАЛҚИМИЗ ФАХРИФТИХОРИ БЎЛГАН ЁШЛАР САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРАЯПТИ. БУ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА.

Чунки, юртимизда ёшларга курсатилган эътибор ва гамхўрлик улар ўз иқтидо-

рини намён этиб, мустақил ҳаётни дадил қадамлар билан бошлашига замин яратаяпти.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига тўлиқ қамраб олиши, касб-хунар коллежини тамомлагандан сўнг уларни иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётгани кенг қўллами ишлар замирида ҳам мана шу эзгу мақсад мужассам.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан ташкил

этилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Иштиракчилар ёшларни касб-хунарга йўналтириши, қизиқиши ва қобилиятига мос мутахассисликни эгаллаши учун қўмаклашиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари хусусида фикрлашишди.

(Давоми 2-бетда.)

Муносабат

ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЧУҚУРЛАШИБ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИБ БОРГАНИ САРИ МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ҲАЁТИМИЗДА ЯНАДА МУСТАҲҚАМ ЎРИН ТУТМОҚДА.

Негаки, халқимизга хос бўлган барча эзгу фазилатлар, жумладан, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, одамлар оғирини енгил қилиш каби анъаналар ҳам айнан маҳалла негизда сайқал топиб, шаклланиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, электротат манфаатларини маҳаллага кириб бормасдан, у билан ҳамкорлик қилмасдан ҳимоя этиш қийин.

Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан изчил ҳамкорлик қилиб келамиз. Бу орқали одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитларидан хабардор бўлаёلمиз, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганаёلمиз. Яқинда Паркент туманида

«Ижтимоий ҳимоя — ижтимоий барқарорлик кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказдик. Унда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама этилди. Тадбирда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари фаол иштирок этди, аҳоли муаммолари

рини ечиш бўйича таклифлар билдиришди. Муҳими, маҳаллалар билан ҳамкорлигимиз фаолиятимизнинг амалий тус олишига хизмат қилаёпти.

Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони партия-миз фаолларини ҳам мамнун этди. Чунки вилоятда ўтказилаётган тадбирларда шуни ангаддикки, маҳалла оқсоқоллари, диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг меҳнати машаққатли ва серқирра. Улар маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар битта инсоннинг ҳаётини билиши, ни-

малар билан машғул экани, умуман олганда иссиқ-совуғидан хабардор бўлиши талаб этилади.

Бунинг учун эса маҳалла фаоли тинмай елиб-югуриши, доимо элу-юрт билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиши керак. Давлатимиз раҳбарининг мана шу машаққатли меҳнатни рағбатлантиришга доир Фармони эса уларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунаси. Бу эса маҳалланинг ҳаётимизда тугган ўрнини янада мустаҳкамлашга кенг йўл очади. **Сирожиддин АЪЗАМОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.**

2-бет



Равшан ЭРМАТОВ:

«ВАТАН НОМИДАН МАЙДОНГА ТУШИШ — КАТТА ШАРАФ!» → 4

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ишодий шайхони ва ўқувчиларига сиҳат-саломатлик, ишларида Ривож тилайман. Сизларни футбол қувончи асло тарк этмасин!

Равшан Эрматов

(Signature)

КИТОБ ТУМАНИДА ТУФИЛГАНМАН. 4-МАҚТАБНИНГ БИРИНЧИ СИНФИГА ЎҚИШГА БОРГАНИМДА МАРҲУМ МУАЛЛИМИМ МАҲБУБА ШЕРНАЗАРОВА МЕНДА МАТЕМАТИКА ФАНИГА ҚИЗИҚИШ УЙФОТГАНДИ. У КИШИДАН МИННАТДОРМАН. БУНДАН ТАШҚАРИ, ИНГЛИЗ ТИЛИГА ҲАМ МЕҲР ҚЎЙДИМ. МАТЕМАТИКА ФАНИДАН ВИЛОЯТ ОЛИМПИАДАСИДА ҚАТНАШИБ СОВРИНЛИ ЎРИННИ ҚЎЛГА КИРИТГАНМАН. ОТАМ БАНК СОҲАСИДА ИШЛАГАНИ УЧУН У КИШИНING ИЗИДАН БОРИБ, ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИГА ЎҚИШГА КИРДИМ.



ДАВР БИЗДАН

яхши ўқишни, изланишни, интилишни талаб этмоқда

Бу йил Навоий номидаги Давлат стипендияси танловида қатнашдим. Инглиз ва рус тилларида бемалол гаплаша олам. Интернетни, компьютер технологиясини мукамал билан.

Банк иши бўйича 20 дан ортик мақолаларим Республика матбуотида, илмий тўпламларда чоп этилган. Бугунги кунда «Банкларда актив ва пассивлар диверсификацияси» мавзусида илмий изланиш олиб

боярман. Бунда банк ресурсларини диверсификация қилишда улар олиб бораётган операцияларни потенциал рисклардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз банклари халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Бу борада нафақат давлат банклари, балки хусусий секторнинг нуфузи ҳам тобора ортки бормоқда.

Дунёда ҳамон давом этаёт-

ган молиявий-иқтисодий инқирознинг республикамиз иқтисодига таъсирини камайтиришда ҳам банклар барқарорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Келажакда мен ҳам банк соҳаси ривожига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Бунинг учун хориж таърибасини ўрганиш керак. Айнан чет эл банкларининг фаолияти, у ерда қўлланилаётган замонавий технологияларни юртимиз иқтисодига жорий этиш, жаҳон молиявий тизимига интиграциялашиш, аввало, кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Бунинг учун биз ёшлар яхши ўқишимиз, изланишимиз, интилишимиз зарур.

Ғиёсиддин МАВЛОНОВ, Тошкент молия институти талабаси.



«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

Партияларо баҳс: **ЖУРНАЛИСТЛАР «АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНИНГ ЭЛЕКТОРАТИМИ?**

www.uzbekistonovozi.uz

«Абитуриент — 2012»

ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА

Шу кунларда мамлакатимизда Шуларида 2012-2013 ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳам ёшлар билан гавжум. Мазкур даргоҳда талабалар тўққизта йўналиш — инглиз, немис, француз, испан, рус филологияси, хитой тили, рус тилини ўқитиш, журналистика ҳамда таржима назарияси ва амалиёти бўйича таҳсил олишади.

— Университетимизда таълим олиш истагини билдираётган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, — дейди қабул ҳайъати масъул котиби Темур Олтиев. — Агар ўқишга кириш учун ҳужжат топширганлар сонини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосласак, бу янада ойдинлашди. Бугунгача абитуриентлардан тушган аризалар сонини қарийб 2300 тага етди. Утган йили бу кўрсаткич 1300 тадан ошганди. Давлат қабул режасига мувофиқ, университетимизга жами 1350 нафар талаба

ўқишга қабул қилинади. Шуларида 360 нафари давлат гранти, 960 талаба эса тўлов-шартнома асосида билим олиши кўзда тутилган.

— Бу йил академик лицейни тамомладим, — дейди қашқадарёлик Шоҳсанам Асадова. —

Орзуим келажакда инглиз тилини пухта ўрганишдир. Шу боис инглиз филологияси факультетига ҳужжатларимни топширдим. Ҳозир давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтиш учун тайёрларик кўрляпман.



Суратда: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қабул ҳайъати фаолиятдан лавҳа.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Равшан ЭРМАТОВ: «ВАТАН НОМИДАН МАЙДОНГА ТУШИШ — КАТТА ШАРАФ!»

Ўзбекистон ифтихорлари

ШУ ЙИЛНИНГ 27 июль куни Лондонда XXX ёзги Олимпия ўйинлари бошланади. ҲАР ТҮРТ йилда бир бор ўтказиладиган Ер қуррасининг энг катта спорт мусобақасида мамлакатимизнинг эллик олти нафар спортчиси ўн учта спорт тури бўйича ғолиблик учун майдонга чиқади. Улар билан биргаликда бир қатор спорт турлари бўйича ўзбекистонлик ўн икки нафар ҳакам баҳсларни бошқариб боради. Улар орасида таниқли ҳакам, ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳам бор. Унга Олимпия ўйинларида ФИФА лайнсменлари — ҳамюртимиз Абдухамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам беради. Яқинда Равшан Эрматов тахририятимиз меҳмони бўлди.



Аммо ўйинни бошқариб борган ҳакам бу вазиятда дарвозадан узоқроқ масофада қолган. Ушбу ҳолатда барча масъулиятни бешинчи ҳакам ўз зиммасига олиши зарур. Юқорида айтганимдек, ҳакам ҳам инсон. Бирок бу галги хато ўйин натижасига салбий таъсир қилганлигини тан олиш керак. Шу боис кейинги пайтда ФИФА футболдаги тартиб ва қоидаларни такомиллаштириш устида жиддий бош қотирмоқда. Жумладан, Англия — Украина терма жамоалари баҳсида йўл қўйилган хато ФИФАнинг янги қарорига туртки берди. Келаси йилдан бошлаб нуфузли мусобақаларда голни аниқлаш технологиясидан фойдаланишга рухсат берилди.

нов, Андрес Фрисқдан ҳам кўп жихатларни ўрганганман. Ҳозир ҳам дунёнинг таниқли ҳакамлари Оскар Руис, Франк Де Блекере, Массимо Бузака, Любош Михел, Роберто Розетти, Ким Милтон Нильсен ва Ховард Уэблларнинг фаолиятини диққат билан кузатиб бораман.

— Ишқибозлар орасида Испаниянинг машҳур жамоаси «Барселона» иштирокидаги ўйинларда ҳакамлар ҳам каталонияликларга мухлислик қилишяпти, деган гап-сўзлар юради... Бу фикрга қўшиласизми?

— Ҳадемай, Лондонда бошланадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида майдонга чиқасиз. Айни чоғда кўнглингизда қандай туйғулор кечмоқда? — Албатта, олимпиадада қатнашининг ўзи мен учун катта шараф! Агар ФИФА рухсат берса, Ватанимиз байроғи остида Ўзбекистон спорт делегацияси билан XXX ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида қатнашган бўлардим.

Режага кўра, 18 июль куни Тошкент — Истамбул — Лондон ҳаво йўналиши бўйича сафарга отланамиз. Ҳозир шериғим Абдухамидулло Расулов билан кунига икки маҳалдан машғуллар олиб бораёғимиз. Мақсадимиз бизга ишониб топшириладиган ҳар битта ўйинни юқори савияда ўтказиб, ўзимизга билдирилган ишонч ва эътиборни оқлаш, Ўзбекистонимиз номига муносиб бўлиш.

Эркин ХОЛБОВО сўхбатлашди.



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Онам бешигимни тебратиб айтган алла қулоғим тагида жарангламаган бирор кун, бирон дақиқа бўлмаган, десам муболаға эмас. Бу алла менинг барча қўшиқларимни аллалаб улгайтирди. У мисоли ёстиқ, чарчасам бошимни қўйиб дам оладиган. У мисоли от, дунё бўйлаб сафаримга йўлдош бўладиган. У мисоли булоқ, чанқоғимни ҳамиша қондирадиган. У шундай уйки, меҳр билан бағрига оладиган ва бу меҳрни олисларда ҳам соғиниб эслайдиган.

Расул ҲАМЗАТОВ

— Аввало Сизни юртимиз футбол ҳакамлари орасида биринчи бўлиб, ёзги Олимпия ўйинларига таклиф этилганингиз билан табриқлаймиз. Айтинг-чи, дунёнинг ушбу нуфузли мусобақасида иштирок этишингизни кутганимизми?

— ФИФАдан Ўзбекистон футбол федерациясига хат келганлигини менга кўнғироқ қилиб айтишганида роса хурсанд бўлдим. Унда қатнашишни ким ҳам хохламайди, дейсиз! Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган футбол баҳслари нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда туради.

Мен Ўзбекистон номидан майдонга тушаман. Миллионлаб ҳамюртларимиз менга кўз тикиб туришади. Бунинг масъулиятини яхши биламан.

— Агар ФИФА томонидан Лондон олимпиадаси учрашувларини бошқариб боришга тавсия этилганлар рўйхатида назар ташласак, улар орасида яқиндагина Польша ва Украина мамлакатларида ўтказилган Европа чемпионатида фаолият кўрсатган ҳакамларни кўраемиз. Буни қандай изоҳлайсиз?

— ФИФА олимпиада учрашувларини бошқариб бориш учун турли конфедерациялардан жами 16 рефери ҳамда 32 нафар лайнсменни тавсия этган. Унда мендан ташқари, Осиде минакасидан япониялик Юичи Нишимура ҳамда австралиялик Бенжамин Уильямс ҳам жой олган. Энди Лондон олимпиадасида таниқли европалик ҳакамларнинг акса-

рияти иштирок этмаслиги хусусида гапирадиган бўлсак, бизнинг фаолиятимиз ҳам спортчилар каби катта куч ва энергия талаб этади. Охириги Европа чемпионати қанчалик шиддатли ва ҳужумкор руҳда ўтганлигининг барчамиз гувоҳи бўлдик. Менимча, ФИФА унда хизмат қилган ҳакамларнинг дам олишлари ва жисмоний тикланишлари учун имконият берганга ўхшайди.

— Бугунги кунда ҳамюртларимиздан Валентин Коваленко, Владислав Цейтлин, Виктор Серазитдиновларга халқаро учрашувлар ишониб топширилмоқда. Уларнинг фаолияти ФИФА ҳамда ОФК мутахассислари томонидан ижобий баҳоланяпти. Қолаверса, охириги йилларда маҳаллий учрашувларда ҳам ҳакамларга билдирилётган эътирозлар кескин камайди. Сиз, ФИФА рефериси сифатида бу борада Ўзбекистон футбол федерациясига амалга оширилётган ишларга қандай баҳо бериасиз?

— Узоққа бормайлик, бундан беш-олти йил муқаддам УФФА ҳакамларни тайёрлайдиган, улар билан шуғулланадиган бўлим фаолият кўрсатишини тасаввур ҳам қила олмадик. У номигагина фаолият кўрсатар ва учрашувларга ҳакамларни тайинлаш билангина шуғулланарди. Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси ҳар бир турдан кейин барча ўйинлардаги ҳакамлик таҳлил қилинмоқда. Тур ўйинларидан кейин «Чифатой» терма жамоаларни тайёрлаш

марказига ййгилаемиз. У ерда махсус жиҳозланган хона (компьютер, видеонабзор, ДВД плеер, мультимедиа проектори, экран) бор. Улар ёрдамида ўйинлардаги ҳакамликни бемаъл таҳлил қилиш имкониятига эгамиз. Ҳамкасбарим учрашувлар давомида йўл қўйган хатоларини билиб олишади ва уларга тегишли тавсиялар берилади. Мана шундай тарзда ҳакам ўз ишини баҳолаб бормаса, унда ўсиш бўлмайди.

Яқинда федерацияда таниқли мураббийлардан бири билан сўхбатлашиб қолдим. У бугунги ҳакамлар фаолияти ҳақида сўз юртар экан, «Илгари сафар учрашувларига ҳадик билан борардик. Бугун ҳакамлар мезбонларга ён босишмасмикин, деган хавотир бўларди. Ҳозир ўйинларда ҳакамларимиз холислиги сезилиб турибди» деди. Бу сўзлардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Турги, ҳакам ҳам инсон, у ҳам баъзан хато қилиши мумкин. Аммо бу ҳеч қачон учрашувлар натижасига таъсир қилмаслиги лозим.

— Яқинда яқунланган Европа чемпионатида айрим ҳакамлар фаолиятдан кўпчилик қониқмади. Жумладан, Англия — Украина терма жамоалари учрашувида венгриялик Виктор Кашшайни мезбонлар томонидан қирилган голни инобатга олмаган кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

— Бу учрашуви мен ҳам ойна хажон орқали қайта-қайта томоша қилдим. Ҳақиқатан тўп дарвоза чизигини кесиб ўтган-

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиш режалаштирилган кўйидаги объектнинг тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

Table with 4 columns: №, Объект номи ва жойлашган манзили, Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, ҚҚСсиз, Қурилиш муддати

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини тақбирлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм. Таклифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиш режалаштирилган кўйидаги объектнинг тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

Table with 4 columns: №, Объект номи ва жойлашган манзили, Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, ҚҚСсиз, Қурилиш муддати

Қурилиш ишлари Республика бюджетни маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси. Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм. Таклифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Murodulla ABDULLAYEV, Muslihidin Latif G'ULOMOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, MUHIDDINOV, Bobir ALIMOV, Tat'yana KISTANOVA, Ochilboy RAMATOV, Sharbat ABDULLAYEVA, (Bosh muharrir o'rinbosari) Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamiyatlik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koriyabat — 233-72-83, 236-55-17. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2000-7633. 1 2 3 4 5